

ЎЗБЕКИСТОН СУВЕРЕН ХАЛҚАРО ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан берилган хабарга кўра, жорий йил 21 май куни Ўзбекистон Республикасининг умумий қиймати қарийб 1,5 млрд. АҚШ долларига тенг навбатдаги суверен халқаро облигациялари илк бор учта валютада жаҳон молия бозорларида жойлаштирилди.



Давоми → 2-бетда

Кун нафаси

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ҚИЛУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Давоми → 2-бетда

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА / IQTISODIY GAZETA

#41 (3132) 28.05.2024

BIZNES DAILY

BIRJA

GAZETA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI KO'MAGI BILAN CHOP ETILADI

WWW.BUSINESSDAILY.UZ



XUSUSIYLASHTIRISH – IQTISODIY RIVOJLANISHNING MUHIM BOSQICHI

Prezidentimizning joriy yil 19 apreldagi "Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga ko'ra, 12 ta yirik korxonada davlat ulushlarini mahalliy fond bozorida birlamchi (IPO) va ikkilamchi (SPO) ommaviy taklif asosida savdoga chiqarish ko'zda tutilgan.

Ushbu vazifani samarali bajarishda eng avvalo mazkur jarayonga tayyorgarlik ko'rish muhim ahamiyat kasb etadi.

Istiqbolli loyihalar milliy agentligi, texnologik va biznes-konsalting, bitimlar, soliqqa tortish, huquq sohasida keng ko'lamli maslahat xizmatlarini taqdim etishga ixtisoslashgan BeOne Uzbekiston hamda BeOne kompaniyalar guruhi sherikligida o'tkazilgan anjuman ayni shu masalaga bag'ishlandi. Maqsad korxonalarini IPOga tayyorlash bo'yicha savodxonlik darajasini oshirishga qaratildi.

Unda Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Davlat aktivlarini boshqarish agentligi, "Toshkent" respublika fond birjasi mas'ullari, aksiyadorlik jamiyatlari vakillari, aksiya paketlari IPO orqali sotiladigan korxonalar mutaxassislari, investitsiya vositachilari ishtirok etishdi. Tadbirda dastlab Istiqbolli loyihalar milliy agentligi boshqarma boshlig'i Soibjon Xudoyberdiyev mamlakatimizda kapital bozorini rivojlantirish borasida ko'rilayotgan choralar, Davlat aktivlarini boshqarish agentligi departament boshlig'i Shohruh Oxunov xususiy lashtirish orqali fond bozori taraqqiyotini ta'minlash bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlarga to'xtalib o'tishdi.

Shundan so'ng "BeOne Uzbekiston" boshqaruvchi hamkori Dilovar Mavlonov, BeOne kompaniyalar guruhi ekspertlari Anton Ustimenko, Irina Bixovskaya, Mark Gililov, Maksim Savostyanov tomonidan IPOga tayyorgarlik ko'rish bilan bog'liq dolzarb talablar, yangi tendensiyalar, sohadagi imkoniyatlar haqida ma'lumot berildi. Aksiyadorlik jamiyatlarini IPOga tayyorlash bosqichlari, o'tkazish tartiblari, bunda aksiyadorlik jamiyatlarini hamda nazorat qiluvchi organlarning o'zaro hamkorligini takomillashtirish masalalarini o'z ichiga olgan bir qator taqdimotlar namoyish etildi.

Ekspertlarning ta'kidlashicha, IPO ham muhim, ham murakkab jarayon. Uning yaxshi yoki yomon, nozik tomonlari, korxonaga kelajagiga ko'rsatishi mumkin bo'lgan ta'sirini chuqur o'rganish katta ahamiyatga ega. IPOga kirishdan oldin aksiyadorlik jamiyati (korxonaga) o'z faoliyati, biznes modeli, boshqaruv tuzilmasi, moliyaviy holati va rivojlanish istiqbollari, mavjud bozor sharoitini sinchkovlik bilan chuqur tahlil qilishi, kapital bozoriga chiqish strategiyasini ishlab chiqishi darkor. Bundan tashqari, korxonaga IPO o'tkazishni rejalashtirayotgan birjaning qat'iy talablariga javob berishi kerak. Odatda IPO jarayoni bir



necha bosqichdan iborat bo'ladi, anderrayter tanlanadi. U korxonaga aksiyalarni chiqarishda maslahat beradi, bozorda joylashtirish xizmatlarini ko'rsatadi. Investorlarni emissiyaga jalb etish uchun roud-shou tashkil etiladi. Korxonaga bilan anderrayter tomonidan birgalikda narx kelishiladi. Anderrayter aksiyalarni taqsimlaydi va savdo boshlanadi. Bu yo'nalishdagi ijobiy tajribalarga qaraganda, IPO korxonaga biznesni rivojlantirish uchun qo'shimcha mablag' olish imkonini beradi. Ommaga chiqish korxonaga qiymatini oshirishi, uni investorlar uchun yanada jozibador qilishi mumkin. Ekspertlar jahon IPO bozori dinamikasi bo'yicha ma'lumotda keltirib o'tganidek, joriy yilning birinchi choragida aksiyalarni birlamchi chiqarish dunyo miqyosida 7 foizga tushgan bo'lsada, lekin undan kelgan daromad oldingi yilning mos davriga nisbatan 7 foizga ko'paygan.

IPO afzalliklari bilan birga uning kamchiliklariga ham to'xtalib o'tildi. Ushbu jarayonga kirish qimmat va ko'p vaqtni olishi mumkin. Aksiyalari birlamchi ommaviy savdolarida sotilgach, korxonada korporativ boshqaruv sohasidagi majburiyatlar ko'payadi, axborot oshkoraligi va shaffofligi bo'yicha talablar yanada qat'iylashadi, ovoz berish huquqiga ega aksiyadorlar paydo bo'ladi, ommaviy kompaniya sifatidagi faoliyati bilan bog'liq xarajatlar oshadi. Investorlar bilan munosabatlarni rivojlantirish ham zarur vazifalar qatoriga qo'shiladi.

Taqdimotlarda muvaffaqiyatli IPOning asosiy omillari ham keltirib o'tildi. BeOne kompaniyalar guruhi tahlilchilari o'tkazgan so'rov natijalariga ko'ra, samara bergan bunday jarayon sabablarining 97 foizi jozibador narx, 64,6 foizi korxonaning sarmoyaviy tarixi, qariyb 60 foizi korxonaga rahbariga ishonch hissasiga to'g'ri kelgan. Xuddi shu omillar muhimligini respondentlarning 7 foizdan tortib 54,5 foizgacha qismi urg'ulashgan. Ko'pchilik investorlar aksiyalarni birlamchi ommaviy joylashtirishga tayyorlashda moliyaviy hisobotlarni shakllantirish tizimi, korporativ boshqaruv va kompayens hamda xatrlarni boshqarish, ichki audit masalalariga alohida e'tibor qaratish kerakligini bildirishgan. Ushbu jihatni so'rovda qatnashganlarning 36,8 foizidan 41,3 foizigacha qismi eng birinchi navbatdagi zarurat deya ko'rsatishgan. Ekspertlar fikricha, IPOga tayyorgarlik ko'rish chog'ida korxonani baholashga makroiqtisodiy holat, tarmoq bo'yicha prognoz, bozor tahlili, korxonaga hajmi, mulkdor kutilmalari, baholovchilar hisoboti, sarmoya tarixi, investorlar tarkibi, ijtimoiy mas'uliyatga tayanilgan korporativ boshqaruv kabilar o'z ta'sirini ko'rsatishi mumkin.

Anjuman davomida IPO yo'lidagi muvaffaqiyatli tajriba va strategik yondashuvlar, emitentlar uchun soliqqa tortish, aksiyalarni ommaviy joylashtirishga korxonaga xodimlarini jalb qilish orqali ularni rag'batlantirish masalalari tushuntirildi. IPOga tayyorgarlik ko'rish bilan bog'liq eng ustuvor qoidalar, ushbu tartib-taomil muvaffaqiyati uchun talab etiladigan qadamlar yuzasidan tavsiyalar berildi.

Istirokchilar aksiyalarni birlamchi ommaviy savdoga taklif etishni iloji boricha samarali o'tkazish uchun qanday choralar ko'rish kerakligi, tayyorgarlik jarayonida korxonalar va tartibga soluvchi davlat organlari o'rtasidagi o'zaro munosabatlar qay tarzda yo'lga qo'yilishi haqida aniq hamda batafsil ma'lumotga ega bo'ldilar. O'zlarini qiziqtirgan ko'plab dolzarb savollarga atroflicha javob oldilar.

Zamira TOJIYEVA.

Молодежь Узбекистана – движущая сила преобразований



Презентация в Парижской школе экономики



8 стр.

8 стр.

ОТДЕЛ РЕКЛАМЫ

РЕКЛАМА ВА E'LONLAR BO'LIMI

+998 (99) 353-55-54



telegram
BIZNES DAILY BIRJA

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ҚИЛУВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Жорий йилнинг 28 май куни Ўзэкспомарказда 8-халқаро "Тўқимачилик ва мода саноати — UzTextileExpo Spring 2024" кўргазмаси ўз ишени бошлайди.

Шу муносабат билан "Ўзтўқимачилик-саноати" уюшмаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда уюшма раиси ўринбосари Муҳаммаджон Жуманиёзов, Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлиги директори Абдували Содиқов, ITECA Exhibitions компанияси бош директори ўринбосари Ойимхон Бобонова бу йилги намоиш ҳақида маълумот беришди. Таъкидланганидек, қаратилган эътибор ва қўллаб-қувватлов чоралари туфайли республикамиз тўқимачилик саноати сўнгги йилларда ўз тарақиётида кескин ўзгаришни амалга оширди, маҳаллий маҳсулотлар халқаро бозорларда муҳим ўрин эгалламоқда. Ишлаб чиқариш ва экспортнинг умумий ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Миллий маҳсулотлар анъанавий бозорларда — МДХ мамлакатларида ҳам, Хитойда ҳам катта талабга эга. Европа Иттифоқи давлатларида, ҳатто Африка ва Лотин Америкасида тобора оммалашмоқда.

Бу жараёнда йилига икки марта ўтказилган кўргазма алоҳида роль ўйнамоқда. Мавсумий формат унга бўлган

талаб ва соҳадаги етакчи тадбири сифатида тан олинган мақоми билан боғлиқ. UzTextileExpo ишлаб чиқарувчилар учун салоҳиятли мижозлар билан ишбилармонлик, шериклик алоқаларини ўрнатиш ва савдо бозорларини кенгайтириш учун самарали бизнес платформаси ҳисобланади. Бунда махсус Байер дастури муҳим омил сифатида ишлаб чиқарувчилар, улгуржи харидорлар ва чакана сотувчилар учун янги етказиб берувчиларни топиш учун ноёб восита бўлади. 2024 йилнинг баҳорги кўргазмасида Беларусь, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Тожикистон, Туркиядан 250 компания ва брендлари иштироки аввалги тадбирлар кўрсаткичларидан алоҳида фарқ борлигини билдиради. Меҳмонларга тўқимачилик ва кийим-кечак маҳсулотларининг бутун ишлаб чиқариш тармоғи — ипдан тайёр кийимгача бўлган жараёни таклиф этилади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сони ҳам ортиб бормоқда ва бу йил 60 нафар ўзбекистонлик етакчи ишлаб чиқарувчилар пахта ва тўқимачилик кластерларидан тортиб, тўқимачилик ва кийим-кечак саноатининг энг сўнгги ишланмалари, юқори сифатли маҳсулотларини тақдим этадиган кичик бизнес вакилларига қадар иштирок этади.

Кўргазманинг доимий иштирокчилари орасида Osborn Textile, Samarkand Apparel, Saff Textile, Zelal Tekstil, Oqsaroy Group,



Yustex, Bahmal Group, Barkas, Quva Tekstil, Textile Mill Tashkent ва бошқалар бор. Ип, мато, уй тўқимачилик, кийим-кечак ва гилам ишлаб чиқарувчилари яна бир бор Беларуснинг "Беллепропром" концерни ҳомийлигида миллий стенд билан қатнашадилар. Хитой компаниялари (145 та компания) анъанавий кенг жамоавий ва миллий тарзда чиқиш қилади, уларнинг стендларида уй тўқимачилик, тайёр кийим, ички кийим, мато, трикотаж матолар, шунингдек тўқимачилик аксессуарларини кўриш мумкин. Хитойнинг миллий иштироки True Go International Exhibitions

(Beijing) Co.,Ltd томонидан ташкил этилган ва халқаро савдони ривожлантириш бўйича Хитой Кенгаши — ССПИТ томонидан фаол қўллаб-қувватланади. Иваново ва Пенза вилоятларининг жамоавий стендларида тўқимачилик маҳсулотларининг кенг ассортименти, жумладан брезент, сурп, чит, фланель, тайёр дизайнерлик кийимлари, ташки кийимлар, шунингдек, ПВХ ва ПВХ кадоқлаш материаллари, скотч ва етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг бошқа маҳсулотлари жой олган. Анъанага кўра, Туркиядан келган компаниялари ҳам (17 та компания) жамоавий иштирок этишади. Ип, мато, шунингдек тўқимачилик фурнитура, аксессуарлар ва тўқимачилик босма ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини намоиш қилишади.

UzTextile Expo ташкилотчиларининг эътирофига, бу шунчаки тадбир эмас, балки ишлаб чиқарувчилар, дизайнерлар ва мутахассисларнинг мулоқот, фикр ва тажриба алмашиш ҳамда сўнгги ишланмаларни тақдим этиш мумкин бўлган асосий тадбирдир. Бу нафақат тўқимачилик тармоғидаги энг янги технологиялар ва тенденцияларни намоиш этиш имконияти, балки бизнесни ривожлантириш, янги алоқаларни ўрнатиш, битимлар тузиш учун муҳим имкониятдир.

Ойдин ЛАТИПОВА.

ЎЗБЕКИСТОН СУВЕРЕН ХАЛҚАРО ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан берилган хабарга кўра, жорий йил 21 май куни Ўзбекистон Республикасининг умумий қиймати қарийб 1,5 млрд. АҚШ долларига тенг навбатдаги суверен халқаро облигациялари илк бор учта валютада жаҳон молия бозорларида жойлаштирилди.



Тақдим этилган маълумотда қайд этилишича, ушбу тарихий воқеадан олдин 17 май куни АҚШ, Буюк Британия, Германия, Дания ва Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлардан 76 нафар инвестор билан видеоконференция орқали ҳамда 20-21 май кунлари 40 нафар йирик инвестор билан якка-якка форматда учрашувлар ўтказилган. Ушбу мулоқотлар давомида халқаро инвесторларга мамлакатимизда "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида олиб борилаётган таркибий ислохотлар ва макроиқтисодий ҳолат юзасидан батафсил маълумот берилган. Ўз навбатида, хорижий сармоядорлар томонидан дунёда давом этаётган мураккаб вазиятга қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик сақланаётгани, энергия тарифлари, хусусийлаштириш ва бошқа таркибий ислохотлар амалий жиҳатдан жадаллашгани ижобий баҳоланган.

Учрашувлардан сўнг 21 май куни учта валютада, жумладан, АҚШ долларига 7 йиллик, еврода барқарор ривожланиш мақсадларини молиялаштириш учун 3 йиллик ҳамда сўмда суверен халқаро облигацияларини жойлаштириш бўйича буюртмалар қабул қилиниши эълон қилинган. Шу кун давомида республика-

миз суверен халқаро облигацияларини сотиб олиш учун жами 5,5 млрд. доллар миқдоридеги буюртмалар келиб тушган. Жумладан, АҚШ долларига (7 йиллик) облигацияларга 3 млрд. доллар, евродаги (3 йиллик) облигацияларга 2 млрд. евро, сўмдаги (3 йиллик) облигацияларга 4 трлн. сўм тушган. Қабул қилиб олинган буюртмалар орқали 600 млн. доллар миқдоридеги 7 йиллик облигациялар бўйича купон ставкаси 6,9 фоиз, 600 млн. евро миқдоридеги 3 йиллик облигациялар бўйича 5,375 фоиз, 3 трлн. сўм миқдоридеги 3 йиллик облигациялар бўйича 16,625 фоизлик натижага эришилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ички молия бозорларида чиқарилган 3 йиллик давлат қимматли қоғозлари бўйича фоиз ставкаси 17,9 фоизни ташкил этмоқда. Мутахассисларнинг эътирофига, евродаги суверен халқаро облигациялар Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадларига қаратилган облигациялар бўйича дастур доирасида чиқарилган. Умуман, халқаро облигациялардан тушадиган маблағ давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ва барқарор ривожланиш мақсадларини молиялаштириш учун йўналтирилади.

Ўз мухбиримиз.

ЭЪЛОНЛАР

Когон туманларо иқтисодий судининг 13.05.2024 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан "Miss bonu" МЧЖ (306050314), "MEGA WATER CONSTRUCTION 2022" МЧЖ (302552467), "OLTINBEK UCHQUN GRAND" МЧЖ (307464328), "ALL DIAMOND" МЧЖ (307534492), "NASRIDIN FARXOD AZIZBEK" МЧЖ (309206961), "KOGONGENCH" МЧЖ (302140569), "AZIZBEK DIPLOMAT OMAD" МЧЖ (307654859), "KENJA SAIDABONU MADAD" МЧЖ (302528843), "AKOBIR FAYZZAMINI" МЧЖ (309255364), "INTER GOLD UNIVERSAL STROY" МЧЖ (308635595), "ROTOR BURG'ULASH" ХК (308107319), "AMIRSHOX MIRONSHOX TEXXIZMAT" МЧЖ (307933455), "BUXORO UTILIZACIYA INVEST" МЧЖ (307170797), "KOGON INERT TOSHI" МЧЖ (304187319), "ANVAR SADRI" ХК (300436120), "QOROVULBOZOR KENGASHI TOMORQA XIZMATI" МЧЖ (307281968), "ANSAR DON MAXSULOTLARI" МЧЖ (307218039), "ADASH RAXMON BARAKA" МЧЖ (306751010), "ULUG'BEK O'KTAM" F/X (304809318), "BO'ZACHI GAVHARI" F/X (303546385), "ASIA BAZAR" МЧЖ (306848671) тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топилиб тугатишга доир иш юритиш бошланган. Суд бошқарувчиси лавозимига С.Қурбонов тайинланган.

Кредиторларнинг 1-йигилиши 20.06.2024 кунни соат 10.00 да Бухоро вилоят ДСБ биносида бўлиб ўтади.

Йигилиш кун тартиби:

1. Суд (тугатиш) бошқарувчисининг ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Бошқа масалалар.

Банкрот корхоналарнинг думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамгалари эълон чиққан кундан бошлаб 3 кун муддат ичида суд бошқарувчисига топширилмаган тақдирда ҳақиқий эмас деб топилади ҳамда бекор қилинади. Талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади. Кредиторлар вакили ишончнома ва қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан йигилишда иштирок этиши лозим.

Суд бошқарувчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Работак МФЙ, Работак қ-қ, 94-уй. Тел.: (+99897) 304-10-47.

Сообщение о созыве годового общего собрания акционеров (очное)

АО «Узташкнефтегаз»

сообщает, что годовое общее собрание акционеров состоится 18 июня 2024 г. в 11-00 по адресу: г. Ташкент, Яксарайский р-н, 8-й проезд Ракотбоши, 38. Email: oztashqineftgaz@bk.ru, веб-сайт: www.utng.uz

Повестка дня:

1. Утверждение количественного и персонального состава счетной комиссии.
2. Утверждение регламента годового общего собрания акционеров АО «Узташкнефтегаз».
3. Заслушивание отчета о деятельности Наблюдательного совета АО «Узташкнефтегаз» за 2023 год.
4. Заслушивание отчета руководителя исполнительного органа общества за 2023 год.
5. Заслушивание аудиторского заключения по итогам проверки деятельности общества за 2023 г.
6. Утверждение бухгалтерского баланса, счёта прибылей и убытков общества за 2023 год.
7. Утверждение годового отчета эмитента за 2023 год.
8. Утверждение распределения прибыли и убытков АО «Узташкнефтегаз» по итогам финансово-хозяйственной деятельности общества за 2023 год.
9. Продление полномочий директора АО «O'zashqineftgaz» Ибрагимова Жамшида Рустамджановича на 2024 год.
10. Определение аудиторской организации для проведения проверки финансово-хозяйственной деятельности общества за 2024 год в соответствии с НСАД и МСА.

Закрытие реестра акционеров для оповещения о проведении годового общего собрания акционеров состоялось 27.05.2024 г.

Закрытие реестра акционеров на право участия в годовом общем собрании акционеров состоится 11.06.2024 г. С материалами, касающимися общего собрания акционеров и интересующими вас вопросами, вы можете ознакомиться в любое удобное для вас время (рабочее) с 10-00 до 17-00 по телефону 91-136-22-98.

Регистрация акционеров состоится 18 июня 2024 г. с 10-00 до 11-00. Акционерам при себе иметь документ, удостоверяющий личность. Представителям акционеров при себе иметь доверенность, оформленную в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

Наблюдательный совет АО «Узташкнефтегаз» (протокол №5 от 27.05.2024г.)

На основании определения Кунградского межрайонного экономического суда Республики Каракалпакстан №4-2303-24/02/458 от 24 мая 2024 г. в отношении должника ООО «Muyloq beton servis» (ИНН 305872114), расположенного по адресу: РК, Муйнакский район, ул. Бердаха, б/н, возбуждено дело о банкротстве и открыта процедура наблюдения. Временным управляющим (наблюдателем) назначен Утегенов Бахытбек Ажесбаевич. Судебное рассмотрение по делу назначено на 10-00 2 июля 2024 года в здании Кунградского межрайонного экономического суда.

В связи с чем кредиторское собрание должника состоится в 11-00 21 июня 2024 года по адресу: РК, г. Нукус, ул. А.Темур, 112А.

В повестке дня:

1. составление реестра кредиторов должника;
 2. рассмотрение вопросов процедур банкротства к должнику и т.д.
- В кредиторском собрании должника обязаны участвовать руководители кредиторов с полагающимися документами (договора, счета-фактуры, акты сверки) или их представители с доверенностью. Требования и заявки от кредиторов, а также от дебиторов принимаются в течение одного месяца со дня опубликования настоящего объявления по нижеуказанному адресу. Участникам собрания кредиторов иметь при себе соответствующую доверенность. Все требования, претензии и заявки принимаются по адресу: РК, город Нукус, ул. Т. Сейтжанова, 38. Тел. (+99890) 709-90-56.

BIZNES DAILY BIRJA

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар

- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

#41 (3132) 28.05.2024

WWW.BUSINESSDAILY.UZ

“Давр-банк” хусусий акциядорлик тижорат банк акциядорлари диққатига!

“Давр-банк” хусусий акциядорлик тижорат банки 2024 йил 22 июнь куни соат 18.00 да акциядорлар йиллик умумий йиғилишини Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий-Зарқайнар кўчаси, Блок “А” манзилида ўтказди.

Иштирокчиларни рўйхатга олиш вақти 17-30.

Йиғилиш кун тартиби:

- Акциядорлари йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- Банкнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
- 2023 йил якунлари бўйича банк Кенгашининг ҳисботини тасдиқлаш.
- 2023 йил якунлари бўйича банк Бошқарувининг ҳисботини тасдиқлаш.
- 2023 йил якунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси томонидан банкнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текширув натижасида тузилган ҳисоботни тасдиқлаш.
- Банкнинг 2023 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботларини тасдиқлаш.
- Банкнинг 2023 йил якунлари бўйича ташқи аудиторининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- Банкнинг 2023 йил иш фаолияти якуни юзасидан аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
- Банк Тафтиш комиссиясига аъзолар сайлаш.
- Банк Кенгашига аъзолар сайлаш.
- Банк Санок комиссиясига аъзолар сайлаш.
- Банк Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш масаласини кўриб чиқиш.
- Банкнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш.
- Банкнинг 2023 йил якунлари бўйича фойдасини тақсимлаш.

Кузатув кенгаши.

Қўмқўрғон туманларо иқтисодий судининг 17.05.2024 йилдаги 4-1904-2402/3975-сонли ажримига асосан “Oltin chigit” qo'shma korxonasi (СТИР 202647761)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик таомили сифатида кузатув жорий этилган ҳамда муваққат бошқарувчи этиб 3-тоифали суд бошқарувчиси Раҳмонқулов Абдуғофур Рауфович тайинланган.

Шу муносабат билан мазкур жамият кредиторларининг биринчи йиғилиши 2024 йил 21 июнь куни соат 11.00 да Қўмқўрғон тумани, Юксалиш маҳалласи, Ч. Менглибоев кўчаси, 17- уйда бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

- Муваққат бошқарувчининг тўловга қобилиятсизликнинг кузатув тамойилида қилинган ишлари юзасидан берган ҳисоботи.
 - Қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик таомилини қўллаш юзасидан иқтисодий судга мурожаат этиш тўғрисидаги овоз бериш бюллетени.
 - Муваққат бошқарувчига хизмат вазифасини бажарганлик учун иш ҳақи миқдори ва тартибини белгилаш.
 - Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилига суд бошқарувчиси номзодини белгилаш.
 - Бошқа ҳар хил масалалар кредиторлар ва муассислар талабига кўра.
- Ушбу жамият кредиторларининг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: 99-255-06-75, 98-001-06-75.

Сирдарё туманларо иқтисодий судининг 15.05.2024 йилдаги 4-1202-2403/1774-сонли ажримига асосан “Музаффар янги давр қурилиши” МЧЖ (СТИР 306191503) ҳамда Оқолтин туманларо иқтисодий судининг 17.05.2024 йилдаги 4-1204-2401/847-сонли ажримига асосан “Trade agro” МЧЖ (СТИР 305129238), 17.05.2024 йилдаги 4-1204-2401/848-сонли ажримига асосан “Аббос Узоқович” МЧЖ (СТИР 305704234), 17.05.2024 йилдаги 4-1204-2401/849-сонли ажримига асосан “Гулзорда Нурлан орузи” МЧЖ (СТИР 305585115)ларга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб уларга нисбатан кузатув таомили қўлланилган. Муваққат бошқарувчи этиб Эшонқулов А тайинланган. Кредиторлар ўз талабларини тақдим этишлари учун эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида мурожаат қилишлари мумкин. Қарздорлар томонидан 10 (ўн) кунлик муддат ичда муҳр, тамға топширилмаса бекор қилинган деб ҳисобланади. Кредиторларнинг 1-умумий йиғилиши 2024 йил 14 июнь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 3-уй, 18-хонада (Бизнес маркази биноси) бўлиб ўтади. Мазкур йиғилишга ишончли шахс ишончномаси, қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда паспорт билан келиши шарт. Мурожаат учун: Гулистон шаҳри, 3-мавзе, Ўзбекистон кўчаси, 3-уй (Бизнес маркази биноси). Тел.: 97-738-47-69.

Қоракўл туманларо иқтисодий судининг 2024 йил 17 майдаги 4-2004-2301/460-сонли ажримига асосан Олот туманидаги “Olot parranda klaster” унитар корxonasi (СТИР 307402941)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб, қарздорга нисбатан кузатув жорий этилди ва муваққат бошқарувчи этиб И.А. Қасимов тайинланди. Жамият кредиторларининг биринчи йиғилиши 2024 йил 24 июнь куни соат 16.00 да Бухоро вилояти, Когон тумани, “Туткунда” МФЙ, “Туткунда” қишлоғи 54-уйда бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

- Муваққат бошқарувчи ҳисоботи.
- Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
- Муваққат бошқарувчига иш ҳақи миқдорини белгилаш.
- Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги бошқарувчи таъини белгилаш.
- Бошқа масалалар.

Йиғилишга келган кредиторлар солиштирма далолатнома, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, ишончнома билан катнашишлари сўралади.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун муваққат бошқарувчи манзили: Бухоро шаҳри, Лолозор кўчаси-53. Почта индекси – 200103. Тел.: 93-455-40-17, 90-415-45-50.

Қоракўл туманларо иқтисодий судининг 2024 йил 17 майдаги 4-2004-2301/461-сонли ажримига асосан Олот туманидаги “Texrivaj fauz MMTP” МЧЖ (СТИР 206007573)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб, қарздорга нисбатан кузатув жорий этилди ва муваққат бошқарувчи этиб И.А. Қасимов тайинланди. Жамият кредиторларининг биринчи йиғилиши 2024 йил 24 июнь куни соат 11.00 да Бухоро вилояти, Олот шаҳри, “Олот” кўчаси, 74-уй, Олот тумани ДСИ биносида бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

- Муваққат бошқарувчи ҳисоботи.
- Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
- Муваққат бошқарувчига иш ҳақи миқдорини белгилаш.
- Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги бошқарувчи таъини белгилаш.
- Бошқа масалалар.

Йиғилишга келган кредиторлар солиштирма далолатнома, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, ишончнома билан катнашишлари сўралади.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун муваққат бошқарувчи манзили: Бухоро шаҳри, Лолозор кўчаси-53. Почта индекси – 200103. Тел.: 93-455-40-17. 90-415-45-50.

Фарғона туманларо иқтисодий судининг 15.05.2024 йилдаги 4-1501-2402/2416-сонли ҳал қилув қарори билан “Mediana tracts servis” МЧЖ (СТИР 303309283)га нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартибда тугатиш таомили жорий қилинган. Суд бошқарувчиси этиб Т.А. Исқандаров тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 24.06.24 йил куни соат 11.00 да Фарғона ш., С.Ахмад к., 48-а уйда ўтказилади. Кредиторлар ўз талаблари юзасидан эълон чоп этилган кундан бошлаб, 1 ой муддат ичда суд бошқарувчисига мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаат учун телефон: 93-202-00-66.

Риштон туманларо иқтисодий судининг 16.05.2024 йилдаги 4-1505-2302/1589, 1591, 1590, 1592, 1596, 1598, 1599, 1601, 1603, 1604, 1595, 1597, 1600, 1602, 1605, 1593, 1594-сонли ажримларига асосан Риштон туманидаги “Yuqori Dasht kelajagi” f/x, “ Sayfuddin Ganijon o'g'li” f/h, “Rishton Oltiariq Sara Uzumlari” f/x, “Dilzodaxon fayzli yeri” f/x, Бағдод туманидаги “Yagona Bagdod” f/x, “Ideal invest pahtakor”, “Hojiakbar-Hojimurod bog'i” f/x, “Nigina paxtazori Bag'dod” f/x, “Do'rmancha paxtasori” f/x, “Abdua'zim” f/x, “Hamdamboy paxtasori” f/x, “Ka-rimbobo paxtasori” f/x, “Shavkat-Shuhrat bog'ishamol” f/x, “Bog'dod 2020” f/x, “Bekobod Unumdor yeri” f/x, “Bog'dod ziyosi” f/x, “Asl paxtasorlar” f/xларига банкротлик иши қўзғатилиб, кузатув таомили жорий этилди ва муваққат бошқарувчи этиб Турсунов Бахтиёр Аминович тайинланди.

Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2024 йил 11-12 июнь кунлари Риштон ва Бағдод тумани солиқ биносига соат 9.00 дан 16.00 гача бўлиб ўтади.

Кун тартиби: 1. Муваққат бошқарувчининг ҳисоботи. 2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.

3. Қарздорни тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилига ўтказишни белгилаш. 4. Муваққат бошқарувчисига ойлик иш ҳақини белгилаш ва уни тўлаш тартибини белгилаш. 5. Бошқа масалалар.

Кредиторлар қарздорга бўлган барча талаблари билан эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун ичда мурожаат қилиши мумкин.

Мурожаат учун: Фарғона вилояти, Риштон тумани, Бешкапа МФЙ, Янги йўл кўчаси, 15-уй.

Тошкент туманларо иқтисодий судининг 4-1001-2415/6380-сонли иқтисодий иш юзасидан 30.04.2024 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан “The Falcon Energy” (СТИР 305533449) МЧЖ тўловга қобилиятсиз деб эътироз этилди ва тугатишга доир иш юритиш бошланди ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб суд бошқарувчиси Атамуратов Убайдулло Жавлиевич тайинланди.

Қарздорга нисбатан даъволар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11-мавзе, Заргарлик кўчаси, 48-а манзил бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 90-188-55-71.

Кредиторлар йиғилиши 05.07.2024 йилда, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 11-мавзе, Заргарлик кўчаси, 48-а уй манзилда соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

- 05.07.2024 йил ҳолатига шакллантирилган “The Falcon Energy” МЧЖ кредиторлари талаблари реестри муҳокамаси.
- Тошкент туманларо иқтисодий судининг 30.04.2024 йилдаги 4-1001-2415/6380-сонли иқтисодий иш ҳал қилув қарори ижроси юзасидан У.Атамуратовнинг ҳисоботи ва унинг муҳокамаси.
- Қарздор “The Falcon Energy” МЧЖ фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14-августдаги 224-сонли қарори билан тасдиқланган “Сохта тўловга қобилиятсизлик, тўловга қобилиятсизликни яшириш ва қасддан тўловга қобилиятсизликга олиб келиш аломатларини аниқлаш” қоидаларига биноан тугатиш бошқарувчиси томонидан тузилган ҳулоса муҳокамаси.
- Бошқа масалалар.

“O'zengsanloyiha” МЧЖ акциядорлари диққатига!

“O'zengsanloyiha” МЧЖ иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2024 йил 27 июнь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй манзилида жойлашган жамият маъмурий биносининг мажлислар зали ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 14.00 да бошланади.

Йиғилиш кун тартиби:

- Жамият иштирокчилар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- Жамият санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- Жамият кузатув кенгашининг 2023 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.
- Жамият директорининг 2023 молиявий йил якунлари ва бизнес-режани бажарилиши бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
- Жамиятнинг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланс, фойда ва зарарлари ҳисобварғини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2024 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
- Жамият директори билан тузилган шартнома муддатини узайтириш.
- Жамиятнинг 2024 йил йил молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.
- Жамиятнинг янги таҳрирдаги устав ва ички ҳужжатларини тасдиқлаш.

Иштирокчилар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт, иштирокчиларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган (юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.

Иштирокчилар, жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “O'zengsanloyiha” МЧЖ маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилиши сўралади: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй.

Тел: (71) 233-32-64.

“O'zengsanloyiha” МЧЖ Кузатув кенгаши.

Тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб, кузатув таомили қўлланилган Қўйичирчиқ туманидаги “ТСТ RICE” МЧЖ (СТИР 306059696)нинг такрорий биринчи кредиторлар йиғилиши 2024 йил 12 июнь куни соат 11.00 да Қўйичирчиқ тумани, Пахтазор шаҳарчаси, Фурқат кўчасидаги қарздорнинг маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

- Кредиторлар йиғилиши раисини сайлаш.
- Муваққат бошқарувчининг оралик ҳисоботи.
- Кредиторлар талаблари реестрининг юритилиши.
- Муваққат бошқарувчига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш.
- Қарздор томонидан тақдим этилган суд санация режасини тасдиқлаш ва қарзни тўлаш жадвали билан келишиш.
- Бошқа масалалар.

Кредиторларни қайд этиш, йиғилиш бошланишидан 30 дақиқа олдин бошланиб, йиғилиш бошланишидан 5 дақиқа олдин тўхтатилади.

Йиғилишга кредиторлар ва унинг вакиллари шахсни ҳамда қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек йиғилиш иштирокчиси ваколатларини тасдиқловчи ишончномалар билан келиши сўралади.

Кузатув жараёнида йиғилган материаллар ҳамда кредиторлар рўйхати билан йиғилиши давомида таништирилади.

ОТДЕЛ РЕКЛАМЫ REKLAMA VA E'LONLAR BO'LIMI

+998 (99) 353-55-54



telegram
BIZNES DAILY BIRJA

**Консолидированный отчет о финансовом положении
ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»**

за год, закончившийся 31 декабря 2023 года

	(млн сум)	
Активы	2023	2022
Денежные средства и их эквиваленты	3 659 675	5 547 537
Средства в других банках	495 580	174 416
Кредиты и авансы клиентам	8 467 685	5 119 525
Финансовые активы, учитываемые по справедливой стоимости через прочий совокупный доход	18 676	19 624
Основные средства и нематериальные активы	347 262	298 364
Предоплата текущих обязательств по налогу на прибыль	7 532	-
Отложенный налоговый актив	-	9 089
Прочие активы	65 783	71 846
Итого активы	13 062 193	11 240 401
Обязательства	2023	2022
Средства других банков	1 287 921	2 286 305
Средства клиентов	9 019 155	6 912 483
Прочие заемные средства	393 954	317 840
Отложенное налоговое обязательство	9 513	-
Текущие обязательства по налогу на прибыль	-	4 871
Прочие обязательства	31 342	22 859
Итого обязательства	10 741 885	9 544 358
Капитал	2023	2022
Акционерный капитал	1 470 464	1 105 789
Эмиссионный доход	2 105	2 105
Нераспределенная прибыль	837 141	576 793
Резерв переоценки финансовых активов, учитываемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход (ССЧПСД)	10 598	11 356
Итого капитал	2 320 308	1 696 043
Итого обязательства и капитал	13 062 193	11 240 401

Достоверность финансовой отчетности подтверждена аудиторской организацией Ernst & Young (лицензия Министерства финансов Республики Узбекистан, серия АФ №00816 от 17 апреля 2019г.) и подготовлена в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности. Информация о приведенных выше данных содержится в аудиторском заключении о достоверности отчетности банка по состоянию на 31 декабря 2023 года.

**Консолидированный отчет о прибылях и убытках
и прочем совокупном доходе
ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»**

за год, закончившийся 31 декабря 2023 года

	(млн сум)	
	2023	2022
Процентные доходы, рассчитанные с использованием эффективной процентной ставки	1 134 046	747 275
Прочие процентные доходы	11 829	5 331
Процентные расходы	(310 067)	(181 818)
Чистый процентный доход до (убытков от обесценения)/восстановления по кредитам и авансам клиентам	835 808	570 788
Восстановление/(убыток от обесценения) по кредитам и авансам клиентам	(3 045)	(20 698)
Чистые процентные доходы после создания резерва под обесценение кредитов	832 763	550 090
Комиссионные доходы	311 985	240 146
Комиссионные расходы	(124 902)	(77 791)
Чистый доход/(убыток) от переоценки иностранной валюты	(4 297)	(5 528)
Чистый доход по операциям с иностранной валютой	179 423	111 557
Прочие операционные доходы	9 234	5 883
Административные и прочие операционные расходы	(317 714)	(240 756)
Восстановление резерва под прочие активы / обязательства и условные обязательства	(12 830)	(2 864)
Прибыль до налогообложения	873 662	580 737
Расходы по налогу на прибыль	(184 455)	(120 988)
Прибыль за год	689 207	459 749
Прочий совокупный доход		
Статьи, которые впоследствии не могут быть реклассифицированы в состав прибыли и убытка:		
Прибыль от изменения справедливой стоимости финансовых активов, учитываемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход	(948)	2 432
Налог на прибыль по статьям, которые впоследствии не будут реклассифицированы в состав прибыли или убытка	190	(486)
Итого прочий совокупный доход	(758)	1 946
Итого совокупный доход за год	688 449	461 695
Базовая и разводненная прибыль на обыкновенную акцию (в сум на акцию)	586	391

Достоверность финансовой отчетности подтверждена аудиторской организацией Ernst & Young (лицензия Министерства финансов Республики Узбекистан, серия АФ №00816 от 17 апреля 2019г.) и подготовлена в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности. Информация о приведенных выше данных содержится в аудиторском заключении о достоверности отчетности банка по состоянию на 31 декабря 2023 года.

Ташкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 8 апрель кунги 4-1001-2417/24172-сонли ажримига мувафиқ **"Megapolis azia tobacco" МЧЖ**га (СТИР 206989397) нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб қузатув таомили жорий этилган. Муваққат бошқарувчи этиб 2-тоифали суд бошқарувчи Абдор Абдухамалович Турғунов тайинланган (33/91-494-07-00).

Юқоридаги МЧЖ кредиторларининг йиғилиши 2024 йил 25 июнь кунни соат 10.00 да Яққасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 65-а уйда бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Ташкент туманлараро иқтисодий судининг ажрими.
2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш.
3. Муваққат бошқарувчисига ойлик маош тайинлаш.
4. Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилини танлаш ёки келишув битими тузиш.
5. Бошқа масалалар.

Кредиторлардан йиғилишда қатнашиш учун, ташкилот номидан ваколатли вакил (қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат – солиштирма далолатнома ҳамда ваколатнома билан) қатнашишлари сўралади. Кредиторларни рўйхатга олиш 9.00 да бошланади.

Денов туманлараро иқтисодий судининг 10.05.2024 йилдаги 4-1905-2403/3100-сонли ажримига асосан **"Temurbek-trans-Denov" МЧЖ**га (СТИР 301673855)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик таомили сифатида қузатув жорий этилган ҳамда муваққат бошқарувчи этиб 2-тоифали суд бошқарувчи Рўзиев Абдумалик Раимович тайинланган.

Шу муносабат билан мазкур жамият кредиторларининг биринчи йиғилиши 2024 йил 28 июнь кунни соат 11.00 да Термиз шаҳри, М.Қошқарий кўчаси, 36-а да бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Суд бошқарувчининг тўловга қобилиятсизликнинг қузатув тамойилида қилинган ишлари юзасидан берган ҳисоботи.
 2. Қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик таомилини қўллаш юзасидан иқтисодий судга мурожаат этиш тўғрисидаги овоз бериш бюллетени.
 3. Суд бошқарувчисига хизмат вазирасини бажарганлик учун иш ҳақи миқдори ва тартибини белгилаш.
 4. Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилига суд бошқарувчиси номоздини белгилаш.
 5. Бошқа ҳар хил масалалар кредитор ва мўассис талабига кўра.
- Ушбу жамият кредиторларининг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Мурожаат учун тел.: 90-246-80-03, 97-845-01-73.

**Консолидированный отчет об изменениях в капитале
ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»**

за год, закончившийся 31 декабря 2023 года

	(млн сум)				
	Акционерный капитал	Эмиссионный доход	Нераспределенная прибыль	Резерв переоценки финансовых активов, учитываемых по ССЧПСД	Итого
Остаток на 31 декабря 2021 года	903 426	2 105	371 383	9 410	1 286 324
Прибыль за год	-	-	459 749	-	459 749
Прочий совокупный доход, за вычетом налога на прибыль	-	-	-	1 946	1 946
Итого прочего совокупного дохода за год	-	-	459 749	1 946	461 695
Дивиденды, направленные на увеличение уставного капитала	202 363	-	(202 363)	-	-
Дивиденды акционерам банка	-	-	(51 976)	-	(51 976)
Остаток на 31 декабря 2022 года	1 105 789	2 105	576 793	11 356	1 696 043
Прибыль за год	-	-	689 207	-	689 207
Прочий совокупный доход, за вычетом налога на прибыль	-	-	-	(758)	(758)
Итого прочего совокупного дохода за год	-	-	689 207	(758)	688 449
Дивиденды, направленные на увеличение уставного капитала	364 675	-	(364 675)	-	-
Дивиденды акционерам банка	-	-	(64 184)	-	(64 184)
Остаток на 31 декабря 2023 года	1 470 464	2 105	837 141	10 598	2 320 308

Достоверность финансовой отчетности подтверждена аудиторской организацией Ernst & Young (лицензия Министерства финансов Республики Узбекистан, серия АФ №00816 от 17 апреля 2019г.) и подготовлена в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности. Информация о приведенных выше данных содержится в аудиторском заключении о достоверности отчетности банка по состоянию на 31 декабря 2023 года.

**Консолидированный отчет о движении денежных средств
ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»**

за год, закончившийся 31 декабря 2023 года

	(млн сум)	
	2023	2022
Денежные потоки от операционной деятельности		
Проценты полученные	1 118 375	736 507
Проценты уплаченные	(287 761)	(173 255)
Комиссии полученные	313 839	241 888
Комиссии уплаченные	(124 902)	(77 791)
Доходы, полученные по операциям с иностранной валютой	179 423	111 557
Прочие полученные операционные доходы	6 532	4 052
Расходы на содержание персонала уплаченные	(135 539)	(101 400)
Административные и прочие операционные расходы уплаченные	(139 136)	(104 479)
Налог на прибыль уплаченный	(178 066)	(114 359)
Денежные потоки, полученные от операционной деятельности до изменений в операционных активах и обязательствах	752 771	522 720
Изменения в операционных активах и обязательствах		
Чистый (прирост)/снижение по:		
- средствам в других банках	(283 540)	(62 549)
- кредитам и авансам клиентам	(3 062 765)	(1 390 573)
- прочим активам	1 995	(12 235)
Чистый прирост/(снижение) по:		
- средствам других банков	(1 123 385)	1 528 221
- средствам клиентов	1 795 337	3 353 520
- прочим обязательствам	5 169	3 660
Чистые денежные средства, полученные от операционной деятельности	(1 914 418)	3 942 764
Денежные потоки от инвестиционной деятельности		
Выручка от продажи/ (покупки) финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход	(100 818)	(128 536)
Приобретение основных средств и нематериальных активов	270	4 004
Дивиденды полученные	2 696	1 831
Чистые денежные потоки, использованные в инвестиционной деятельности	(97 852)	(122 701)
Денежные потоки от финансовой деятельности		
Поступления от прочих заемных средств	179 899	237 905
Погашение прочих заемных средств	(137 841)	(205 563)
Дивиденды, выплаченные акционерам банка	(64 184)	(51 976)
Чистые денежные средства, использованные в финансовой деятельности	(22 126)	(19 634)
Влияние изменений обменного курса на денежные средства и их эквиваленты	157 666	35 737
Эффект от ожидаемого кредитного убытка	(11 132)	(231)
Чистый прирост/(уменьшение) денежных средств и их эквивалентов	(1 887 862)	3 835 935
Денежные средства и их эквиваленты на начало года	5 547 537	1 711 602
Денежные средства и их эквиваленты на конец года	3 659 675	5 547 537

Достоверность финансовой отчетности подтверждена аудиторской организацией Ernst & Young (лицензия Министерства финансов Республики Узбекистан, серия АФ №00816 от 17 апреля 2019г.) и подготовлена в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности. Информация о приведенных выше данных содержится в аудиторском заключении о достоверности отчетности банка по состоянию на 31 декабря 2023 года.

"Asadtillo biznes" МЧЖ (СТИР 304453422) Ташкент туманлараро иқтисодий судининг 03.03.2021 йилдаги 4-1001-2114/3375-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эълон қилинган ва судининг 24.01.2024 йилдаги ажрими билан қарздорга тугатиш бошқарувчи этиб Чўтов Мамаюсуп Омонович тайинланган.

Тугатиш жараёнида **"Asadtillo biznes" МЧЖ** ва унинг кредиторлари ўртасида келишув битими тузилганлиги сабабли Ташкент туманлараро иқтисодий судининг 03.05.2024 йилдаги 4-1001-2114/3375-сонли ажрими билан ушбу жамият (СТИР 304453422) бўйича тўловга қобилиятсизлик иши тугатилган ва судининг 03.03.2021 йилдаги **"Asadtillo biznes" МЧЖ**ни тўловга қобилиятсиз деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарори ижро этилмаслиги белгиланган. Маълумот учун телефон: (99) 888-00-83.

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 15 майдаги 4-2001-2402/2964-сонли ажримига асосан **"Klaster Emir Parranda" масъулияти чекланган жамияти** (СТИР 301789948)га нисбатан тўловга қобилиятсизлик иши қўзғатилиб, қарздорга нисбатан қузатув жорий этилди ва муваққат бошқарувчи этиб И.А. Касимов тайинланди. Корхона кредиторларининг биринчи йиғилиши 2024 йил 28 июнь кунни соат 11.00 да Бухоро вилояти, Когон тумани, Туткунда МФЙ, "Туткунда" қишлоғи, 54-уйда бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Муваққат бошқарувчи ҳисоботи.
2. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
3. Муваққат бошқарувчи иш ҳақи миқдорини белгилаш.
4. Тўловга қобилиятсизликнинг кейинги бошқаруви таъминоти.
5. Бошқа масалалар.

Йиғилишга келган кредиторлар солиштирма далолатнома, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, ишончнома билан қатнашишлари сўралади.

Иш 2024 йил 20 июнь кунни соат 10.00 да Бухоро туманлараро иқтисодий суди биносидан (манзил: Бухоро тумани, Буюк ипак йўли кўчаси) бўлиб ўтадиган очик суд мажлисида қўриб чиқиши белгиланган.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун муваққат бошқарувчи манзили: Бухоро шаҳри, Лолазор кўчаси-53. Почта индекси – 200103. Тел.: 93-455-40-17, 90-415-45-50.

"Biznes-daily Birja" газетасининг 2024 йил 2 майдаги 34-(3125)-сонининг 5-саҳифасида Ўзбекистон Республикаси Суд бошқарувчилари Ассоциацияси Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимининг наватдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида чоп этилган эълон ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

Навоий вилояти Кармана туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 20 майдаги 4-2101-2401/1160-сонли ажримига асосан Навоий вилояти Кармана тумани Давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтган **“Export fish product”** (СТИР 303345589) **масъулияти чекланган жамиятига** нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилган ва қузатув жорий этилган. Мазкур ажрим билан муваққат бошқарувчиси этиб Рўзиев Сайфулла Файзуллаевич тайинланган.

Кредиторларнинг қарздорга талаблари муваққат бошқарувчиси томонидан қуйидаги манзилда: Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 27-уй Давлат активларини бошқариш агентлиги Навоий вилояти худудий бошқармаси маъмурий биносида қабул қилинади.

Қарздорнинг кредиторлари йиғилиши 05.07.2024 йил соат 10.30 да Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 27-уй, вилоят Давлат активларини бошқариш бошқармаси маъмурий биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:

- Муваққат бошқарувчисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- Қарздорнинг кредиторлар реестрини тасдиқлаш.
- Қарздорга нисбатан банкротликни навбатдаги тамойилини қўллаш.
- Муваққат бошқарувчининг иш ҳақини тасдиқлаш.
- Бошқа масалалар.

Йиғилишга барча кредиторлар, ўз талабларини асословчи ҳужжатлар, ишончнома ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар билан қатнашишлари сўралади.

Суд мажлиси жорий йилнинг 9 июль кунда, Кармана туманлараро иқтисодий суди биносида (Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 39-6 уй) да соат 10.30 да белгиланган.

Мурожаат учун телефон: 91-336-99-86 (суд бошқарувчи С.Ф.Рўзиев).

“O'zsuvloyiha” акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

“O'zsuvloyiha” акциядорлик жамияти Қузатув кенгашининг 2024 йил 21 майдаги йиғилиши қарорига мувофиқ 2024 йил 20 июнь кунги соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1-а уй жамият маъмурий биносидаги мажлислар залида акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

- Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши санақ комиссиясининг шахсий ва сон таркиби ҳамда регламентини тасдиқлаш.
- Жамият ижроия органининг 2023 йил якунлари бўйича молия-ҳўжалик фаолиятининг натижалари ва бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш.
- Жамиятнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.
- Жамият Қузатув кенгашининг 2023 йилда жамиятни бошқариш бўйича ҳисоботини эшитиш.
- Жамиятнинг 2023 йил молия-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви хулосасини эшитиш.
- Жамиятнинг 2023 йил учун фойдасини тақсимлаш ҳамда дивидендлар миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
- Жамият томонидан аффилиланган шахслар билан акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 12 июнь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади. Йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2024 йил 20 июнь кунги соат 10.00 да бошланиб соат 10.55 дақиқагача давом этади.

Йиллик умумий йиғилишга тайёргарлик даврида акциядорлар кун тартибидаги масалалар бўйича маълумот (материал)лар билан хар кунни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) 9.00 дан 17.00 гача Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган “O'zsuvloyiha” АЖ жамияти маъмурий биносининг 2-қаватида танишишлари мумкин. Телефон рақамлар: (71) 241-78-56; (71) 241-48-30. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида қорғоз бюллетенлар орқали овоз беришни амалга оширадилар.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахслар учун – нотариал тасдиқланган, юридик шахслар учун – ушбу юридик шахс томонидан берилган) билан келишлари сўралади.

“O'zsuvloyiha” АЖ Қузатув кенгаши.

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 14 май кунги 4-1501-2401/2576-сонли иш бўйича чиқарилган ажримига асосан **“Altius stroj” МЧЖ** (СТИР 305888007)га нисбатан тўловга қобилиятсизликнинг қузатув таомили қўлланган, муваққат бошқарувчиси этиб Жўраев Бахтиёр Махмудович тайинланган. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2024 йил 11 июнь кунги соат 10.00 да Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Оқ йўл кўчаси, 67-а уйда ўтказилади.

Кун тартиби: 1. Муваққат бошқарувчиси ҳисоботи. 2. Кредиторлар талаблари реестрини тасдиқлаш. 3. Муваққат бошқарувчиси намунавий календар иш режасини тасдиқлаш. 4. Муваққат бошқарувчисига ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш. 5. Қузатув жараёни натижасига қўра, тўловга қобилиятсизликнинг кейинги таомилини белгилаш. 6. Бошқа масалалар.

Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари билан эълон чиққан кундан эътиборан бир ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Оқ йўл кўчаси, 67-а уй. Индекс: 150103. Тел.: 91-117-87-53.

“Ўзбекэкспертиза” АЖ акциядорлари диққатига!

2024 йил 17 июнь кунги соат 16.00 да Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-бино, жамиятнинг мажлислар залида бўлиб ўтадиган “Ўзбекэкспертиза” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши учун қуйидаги кун тартиби тақлиф қилинади:

Йиғилиш кун тартиби:

- “Ўзбекэкспертиза” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши қоидаларини тасдиқлаш.
- “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
- “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти бўйича аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
- Халқаро Молиявий Ҳисобот Стандарти (ХМХС)га мувофиқ тайёрланган, 2023 йил якунлари бўйича «Ўзбекэкспертиза» АЖ нинг молиявий ҳисоботи бўйича Халқаро Аудит Стандартлари (ХАС)га мувофиқ аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботини тасдиқлаш.
- “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботини, баланс, молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
- “Ўзбекэкспертиза” АЖ Ижроия органининг (Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари) СМК ва (Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичлари) СИК бўйича ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги тўғрисидаги ҳисоботнинг тасдиқлашгани ва 2023 йилнинг 12 ой мобайнида уларнинг бажарилиш кўрсаткичларини белгиланган тартибда тасдиқлашгани.
- “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни натижаларини маъқуллаш.
- “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойда тақсимлашни тартибини тасдиқлаш.
- “Ўзбекэкспертиза” АЖ Қузатув кенгашининг 2023 йил мобайнидаги фаолияти якуни бўйича ҳисоботи.
